O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 12 октябрь, №221 (3049) Шанба

Олий Мажлисда



Банк тизими: ИСЛОҲОТЛАР ЧУҚУРЛАШМОҚДА

Кеча Олий Мажлисда "Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва халқаро маслаҳатчилар қатнашди. Анжуманни парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси Марказий банк билан ҳамкорликда ташкил этди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги дастурий нутқида валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий конвертацияни таъминлаш ва миллий валюта курсини ҳар томонлама мустаҳкамлаш масалаларини мамлакат учун устувор вазифа ва мақсадлар қаторида таъкидланганлиги анжуманда алоҳида қайд қилинди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакатда замонавий талабларга жавоб берувчи самарали банк тизими фаолият кўрсатмоғи лозим. Табиийки, жаҳондаги илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш самарали банк тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади. Марказий банк раиси ўринбосари Р. Ғуломовнинг "Банк ва молия ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари. Жаҳон тажрибаси" мавзуидаги маърузаси айни шу масалага бағишланди.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг янги илғор тартибларини жорий этиш қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрларининг самарадорлигига эришишга хизмат қилади. Амалдаги қонунларни такомиллаштириш жараёнида тартибга солинаётган муносабатларнинг очиқ-ойдин бўлишини таъминлаш, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрларини мавжуд қонун ҳужжатлари билан уйғунлашиш тамойилига катта эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда мамлакатимиздаги банклар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг долзарб масалаларига оид маърузалар тингланди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Гаров тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



Улуғнор туманидаги «Ул Карт» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида бир ойда 300 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар учун трикотаж маҳсулотлари, кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Гарчанд мато тўқиш учун калава қўшни вилоятлардан келтирилса-да, тўқиш ва тикиш жараёнлари шу ернинг ўзида бажарилади. Ҳозир корхонада 80 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Истиқболда матони бўяйдиган цех очилиб, яна 60 киши ишга жалб этилади. Бунинг учун ҳаракат бошланган.

СУРАТДА: корхона ишчиси Малика Худойбердиева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛДИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида жойлашган "Таълим тармоғи" лойиҳасининг ресурс марказида Ўзбекистон-АҚШ академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Устоз" жамғармаси, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида таъсис этилган мазкур академия Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш, хусусан, олий ўқув юртларида дарс бераётган ўқитувчиларнинг малакасини оширишга хизмат қилади.

Тингловчиларга асосан икки йўналиш — иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш бўйича маърузалар ўқилади. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида иқтисодиёт ва бизнес йўналишида дарс берувчи ҳар қандай мутахассис академияда таҳсил олиш ҳуқуқига эга. Инглиз тили ва касбий малака бўйича имтиҳонлардан ўта олган икки юз нафар ўзбекистонлик ўқитувчи уч-уч ярим йил давомида микро ва макроиқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, иқтисодиёт тарихи, бухгалтерия ҳисоби, менежмент каби соҳалардан илмий маърузалар тинглайди. Академиядаги таълим жараёни жаҳонининг энг етакчи олий ўқув юртлари дастурлари асосида тайёрланган бўлиб, тингловчиларга АҚШ ва Европа давлатларидан таклиф этилган юқори малакали мутахассислар, иқтисодчилар дарс беради.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов мазкур академия мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил баҳорда АҚШга расмий ташрифи давомида имзоланган ҳужжатларда икки мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Ўзбекистон-АҚШ академиясининг тузилиши ана шу ташриф самарасидир.

Истиқлол йилларида ўзбекистонлик икки ярим мингдан ортиқ йигит-қиз АҚШ олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтди. Уларнинг бир қисми АҚШ ҳукумати томонидан ажратилган грантлар, қолганлари эса "Умид" жамғармаси орқали юборилган талабалардир. Ўзбекистон-АҚШ академияси мамлакатимизда таълим соҳасини янада такомиллаштиришга ва шу орқали юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшади.

(ЎзА).

Зарур рисола

Дастурий маъруза таҳлили



Мустақиллигимизнинг ўтган ўн бир йили мобайнида биз қандай йўлни босиб ўтдик? Шу кунларда ўтиш даврининг қайси босқичидамиз? Ҳозирги тараққиёт босқичида давлат ва жамият олдида қандай вазифалар турибди? Булар республикамизнинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдирмайдиган долзарб ҳаётий-маънавий масалалардир. Хўш, бу масалаларга жавобни биз қайси манбадан топамиз? Шак-шубҳасиз, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги дастурий маърузасидан.

Яқинда республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан «Демократия — фуқаролик жамияти» номли рисола нашр этилди. Таниқли адабиётшунос олим ва публицист Султонмурод Олим нашрга тайёрлаган ушбу рисолада айнан давлатимиз раҳбарининг ана шу маърузасида белгиланган вазифалар моҳияти атрофлича таҳлил этилади.

Рисолада Президент Ислом Каримов маърузасининг сиёсий-тарихий аҳамияти, унда баён этилган устувор йўналишлар ва тамойилларнинг мазмун-моҳияти ғоятда содда, тушунарли тилда, илмий малака билан шарҳлаб берилади.

Рисола жойларда — идоралар ва ташкилотларда, маҳалла, қишлоқ ва овулларда ҳамда халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ўқув муассасаларида Юртбошимиз маърузасини ўқиб-ўрганиш, ундан келиб чиқадиган вазифаларни атрофлича муҳокама қилишда оммабоп қўлланма бўла олади.

М. САФАРОВ.

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бекободдаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси асосан иккиламчи хомашё ҳисобига ишлайди. Бундай хомашё таъминотидаги муаммолар мамлакатимизда оқилона ҳал этилаётгани туфайли мазкур йирик саноат корхонаси бир маромда ишламоқда. Бу ерда сўнгги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари сезиларли даражада кўпайди, сифати яхшиланди. Бу эса мамлакатимизда қурилиш ҳажмини ошириш имконини беряпти.

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндилари тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ва мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида бу алоҳида таъкидланди. Корхонани хомашё билан таъминлашнинг тўққиз ойлик якунлари ва галдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган мазкур йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Корхонада ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми салкам эллик миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, ички имкониятлар ҳисобига олти миллиард сўмлик кенг халқ истеъмоли моллари тайёрланди, уларни четга сотиш ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда. Республика ҳукуматининг кўмаги билан кейинги йилларда янги, замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари бунёд этилмоқда. Хусусан, йилига 500 минг тоннагача пўлат эритиш қувватига эга электр печи ишга туширилди. Бу эса пўлат эритиш ҳажми ва сифатини ошириш билан бирга, қурилиш арматуралари, металл прокати ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш имконини беради.

Йиғилишда таъкидланганидек, шу йилнинг 1 октябридан металл хомашёси харид нархлари оширилди. Айни пайтда рангли металл тўплаш ва топширишга эътиборни кучайтириш лозим. Афсуски, ҳукуматнинг бу борадаги топшириғининг ижроси ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Анжуманда мавжуд камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиш, корхонани металл хомашёси билан барқарор таъминлашнинг галдаги вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Сўнгги хабарлар

Беғараз ёрдам

АҚШ давлат департаменти мамлакатимизга замонавий ташхис ва даволаш ускуналарини беғараз ёрдам сифатида юборган эди. Фарғона водийси вилоятларига келтирилган тиббий ускуналарнинг баҳоси қарийб 50 миллион долларни ташкил этади. Айни пайтда АҚШлик тиббиёт мутахассислари водийлик ҳамкасбларига ускуналардан фойдаланишни ўргатиш ва тажриба алмашиш мақсадида Андижонга келишди.

АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилаётган "Здрав Плюс" дастури доирасида амалга оширилаётган ушбу тадбир туфайли вилоятнинг Хўжаобод, Бўз, Улуғнор туманлари қишлоқ тиббиёт муассасаларига замонавий ускуналар ва дори-дармонлар топширилди.

Эзгу ташаббус

Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари ибратли ташаббусни бошладилар. Туман ҳудудида яшовчи юз ёшли ва ундан ошган нуронийларнинг ҳаёт йўллари акс эттирилган фотоальбомлар ташкил этилди. Улар орасида ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган пири бадавлат онахонлар — О. Муродова, М. Сафарова, С. Шаропова, Х. Ҳасановалар бор.

Ҳозирда бу ташаббус вилоятнинг барча туманларида кенг қулоч ёзмоқда.

Немислар эгнида «Гулнора зардўз» тўнлари

Шу йилнинг баҳорида халқ амалий санъати усталари ва ҳунармандларнинг республика кўргазмасида иштирок этган Жиззахдаги "Гулнора зардўз" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўз маҳсулотлари билан барчани ҳайратга солганди. Кўргазма залининг ўзидаёқ эронлик мутахассислар 2,5 миллион сўмлик турли амири нусхали кўйлаклар, жойнамоз ва гиламларга буюртма беришди.Яқинда ўзбекнинг зар тўни ва дўппиларига ишқи тушган германиялик санъатсеварлардан ҳам буюртмалар келди. Буюртмалар ўз вақтида хорижлик мижозларга жўнатилди.

«Нажот» мададга тайёр

Қарши шаҳрида "Нажот" жамоатчилик маркази иш бошлади. Ушбу марказ ҳақ-ҳуқуқини яхши билмай, айрим ноҳақликларга учраётган аёллар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатади.

Марказ ходимлари орасида малакали ҳуқуқшуносла, тиббиёт ходимлари бор. Айни пайтда улар вилоятнинг кўплаб қишлоқларида долзарб ва ҳаётий мавзуларда семинар-тренинглар ўтказишни бошлаб юбордилар.

Фермер довондан ошди

«Лочин» фермер хўжалиги йиллик шартнома режасини Арнасой туманида биринчилардан бўлиб бажарди. Мавжуд 18 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олинди. Йил бошидан буён қилинган фидокорона меҳнат, ғўзалар маҳалий ва минерал ўғитлар ҳамда оби-ҳаётга вақтида тўйинтирилганлиги боис мўл ҳосил етиштирилди. Бугун жамоа аъзоларининг юзи ёруғ.

Режа уддаланган бўлса-да, терим суръати сусайгани йўқ. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

Ирода — олтин медаль соҳибаси

Пусанда ўтказилаётган XIV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар медаль жамғаришда давом этмоқда. Иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганова саккизинчи олтин медаль соҳибаси бўлди. Олег Огородов эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Боксчиларимиздан Б.Сарсекбаев ва С.Наимов ўз вазни тоифасида учинчи ўринни эгаллаган бўлса, И.Бердиев ва Р.Саидов финалга чиқди.

Байдаркада 500 метрга эшкак эшиш бўйича Ю.Борзова финал беллашувларига йўлланма олди.

Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, Пусанда каратэчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Қизлар баҳсида С. Каспулатова иккинчи ўринга лойиқ топилган, эркаклар беллашувида А. Қаландаров медаль учун курашни давом эттирмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Тарих билан юзма-юз

Бугун қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз 2700 йиллик байрам шодиёналари тараддудида. Шу боис ҳам шаҳардаги мавжуд тарихий обидалар, ёдгорлик мажмуалари, масжиду мадрасалар таъмирланмоқда. Кўчалар янада ободонлаштирилмоқда. Шаҳардаги машҳур Чубин мадрасасида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин. Таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, мадрасада Шаҳрисабз тарихий музейи экспозиция-кўргазмаси жойлаштирилиши кўзда тутилган. Ҳозирда музейдан жой олиши мумкин бўлган барча осори-атиқалар тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: Юлдуз Бозорова шундай экспонатлардан бирини томоша қилаяпти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Севимли ўйинчоқлар танлови якунланди

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танлови якунланди.

Кўрик-танлов таълим муассасаларига мўлжалланган ўйинчоқларнинг энг яхши турларини танлаб олиш ва оммавий тарзда ишлаб чиқаришга тавсия этиш мақсадида ташкил қилинди. Кўрикда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўрикларда энг яхши деб топилган икки юзга яқин ўйинчоқ намойиш этилди. Улар ўзининг бадиий безатилиши, бетакрорлиги, бежиримлиги, фойдаланишга қулайлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

Тошкент шаҳридаги 304-мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси Наталья Букраева, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 31-мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси Салима Сувонова, Андижон вилояти Андижон туманидаги 8-мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси Фарида Бўтахонова, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 4-мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси Насиба Ниёзованинг туркум ўйинчоқлари ғолиб деб топилди. Улар ясаган ўйинчоқлар болаларни она-табиатга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Халқ таълими вазири Р.Жўраев ғолибларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова иштирок этди.

Ҳулкар СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс»

Нуқтаи назар

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги асосий принциплар ҳақида тўхталар экан, «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» шиорини амалда рўёбга чиқаришни яна бир бор долзарб вазифа сифатида белгилаб берди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бизнинг мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ эълон қилинган пировард мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти:

Биз танлаган йўл

Истиқлол йилларида ана шу мақсадга эришишнинг конституциявий, ҳуқуқий ва амалий асослари яратилди. Жамиятда фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигига кўникиш реал воқеликка айланди, чинакам маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топди, янгича демократик бошқарув тизими шакллантирилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари тақсимланиб, уларнинг «ўзаро бир-бирини кузатиш ва тийиб туриш» механизмлари яратилди, суд ҳокимиятининг амалда мустақиллигини таъминлаш йўлида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди, энг асосийси, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданияти юксалди. Лўнда қилиб айтганда, фуқаролик жамиятининг тамал тошлари қўйилди.

Хўш, кучли фуқаролик жамияти деганда нима тушунилади?

Фуқаролик жамияти — бу тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти бўлиб, бундай жамиятда қонун устувор ҳисобланади, қонунлар шахснинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади, шу билан бирга, одамлар қонунларга сўзсиз риоя этишлари шарт эканлигини теран англайдилар. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларидан юқори туради. Фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқларини, давлат эса фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Давлатнинг бир қатор бошқарувчилик вазифалари бевосита халққа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади. Давлат инсонлар ва фуқароларнинг бахт-саодати йўлида тинчликсевар ташқи сиёсат, мудофаа, хавфсизлик, ягона молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифалар билан шуғулланади.

Ана шундай жамиятга ўтиш йўлида учрайдиган турли тўсиқларни кучли давлатгина бартараф эта олади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида нафақат сиёсий тизим демократик тамойиллар асосида ислоҳ қилинди, балки давлатнинг моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлати жамиятни янгилаш ва ислоҳотларни амалга оширишнинг ташаббускори, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини амалга оширувчи асосий сиёсий тузилмага айланди.

Парламентимиз томонидан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам кучли фуқаролик жамияти сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Муҳтарам Юртбошимизнинг адолатли ғояларидан келиб чиқиб, иқтисодий ва бошқа жиноятларда ҳимоя қилинадиган асосий объект давлат эмас, балки инсон эканлиги, унинг ҳаёти ва саломатлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланиши, шу муносабат билан эндиликда иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига иқтисодий таъсир чоралари қўлланаётганлиги, аёлларга, ёши олтмишдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланмаётганлиги фақат кучли ҳуқуқий давлатгагина хос хусусиятдир. Бу, энг аввало, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлимизнинг мавжудлиги, умумбашарий қадриятлар ва миллий анъаналарга содиқлигимиз намунасидир.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, кучли фуқаролик жамиятига ўтишда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар бор.

Аввало, жамиятда ўзига хос мувозанатни таъминлайдиган, давлат тузилмалари фаолиятини маълум маънода тўлдирадиган нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш, давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам механизмини ишлаб чиқиш лозим. Қаранг, бугунги кунда маҳаллалар одамларга ер участкалари бериш, аҳоли турли қатламларини мақсадли аниқ муҳофазалаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кам таъминланган ва болали оилаларга нафақа тайинлаш, муборак ҳаж зиёратини уюштириш каби ўнлаб ижтимоий масалаларни нечоғлик масъулият билан ҳал этмоқдалар. Демак, марказий идоралар ваколатларини маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга бундан буён ҳам муҳим эътибор берилиши керак. Фуқаролар нодавлат тузилмалар ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қанчалик кўп қанташсалар, уларнинг жамиятни бошқаришдаги бевосита иштироки шунчалик ортади, сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, дунёқараши шаклланади, пировардида эса давлатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши тезлашади.

Айни чоқда ҳокимият ваколатлари тақсимланиши тамойилидан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тенглигини такомиллаштириш зарур. Тўғри, мустақилликка эришилган дастлабки йилларда кучли ижро ҳокимиятисиз бошқарув тизгинини мустаҳкам ушлаб туриш, янгиликка ғов бўлувчи кучларнинг қаршилигини енгиш, қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш мумкин эмасди. Жамиятимиз тараққиётининг бугунги ривожи эса ҳокимият барча тармоқларининг ўзаро тенглигини ва мутаносиблигини талаб этмоқда. Маълумки, ҳар қандай давлат бошқарув аппаратисиз фаолият кўрсата олмайди. Бошқарув аппарати халқ ва унинг вакиллари устидан тазйиқ ўтказа олмаслиги учун бошқарувчилар фаолияти устидан мустаҳкам жамоатчилик назорати ўрнатилиши лозим. Бундай назоратни маҳалладан олса арзийди, чунки ҳар биримизнинг юриш-туришимиз, кўни-кўшничиликдаги муносабатларимиз, маънавиятимиз маҳалла эътиборидан четда қолмайди, бошқача айтганда, маҳалла билан ҳисоблашишга ҳар биримиз мажбурмиз. Демак, ана шундай жамоатчилик назоратини юқори давлат органлари фаолиятига жорий этишимиз керак. Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳам бундай назоратни таъминлашда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлашни янада изчиллик билан давом эттириш зарур. Мулкка эга бўлган шахс қандай қонунлар қабул қилинаётганлигига бефарқ бўлмайди, ўзида ҳуқуқий билимларни ошириш ва қонунга итоат этиш руҳини тарбиялаб боради ва энг асосийси, жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарор бўлишидан айнан мулкдор кўпроқ манфаат топади.

Судларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг амалда чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳам фуқаролик жамияти асосларини яратишда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада сўнгги йилларда ўтказилаётган ислоҳотлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кутилган натижаларни бермоқда. Демак, бу соҳадаги ишларга янада кўпроқ эътибор қаратилиши керак.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъбирлари билан айтганда, «Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади». Ана шундай жамият барпо этиш бизнинг бош стратегик мақсадимиздир.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,
Наманган вилояти ҳокимлигининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди.

Қўшма корхоналар - иқтисодиёт таянчи

Марғилон Велосипеди

Велосипед техник тузилиши жиҳатидан ўта оддий ишланганлиги ва ортиқча харажатлар талаб этмаслиги билан бошқа уловлардан кескин фарқ қилади. Шу боис бу беминнат техникага кундалик турмушимизда эҳтиёж катта. Айниқса, у ихчам ва тез юриши туфайли солиқ инспекторлари, почта ходимлари сингари бир қатор касб эгалари учун ҳам ниҳоятда қулайдир. Бироқ, шунга қарамасдан, бундай мўъжаз техникага бўлган талаб асосан четдан келтирилаётган импорт маҳсулотлари ҳисобига қондириб келинмоқдаки, бу ўз навбатида бозорларимиздаги оддий велосипед нархининг ҳаддан зиёд кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бугунги кунда беш-олти ёшли болалар учун мўлжалланган бир дона велосипедни 40-50, катта ёшлиларникини эса 100-120 минг сўмга харид қилиш мумкин.

Бозор конъюктурасини узоқ вақт кузатган пойтахтимиздаги "Орзу фирмаси" ҳиссадорлик жамияти мутахассислари шуни ҳисобга олган ҳолда "Минскмотовелозавод" ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда "Марвела" Ўзбекистон-Беларусь қўшма корхонасини ташкил этишга эришдилар. Мазкур қўшма корхона Марғилон шаҳрида жойлашган бўлиб, у йилига уч минг дона моторли ва моторсиз велосипед, мототележка ҳамда инвалид коляскалари ишлаб чиқариш қувватига эга. Муҳими, бу ерда тайёрланаётган бу маҳсулотлар туркуми бошқа турдошларига нисбатан бирмунча арзон ва сифатли. Биздаги маълумотларда қайд этилишича, бир дона велосипеднинг нархи 40 минг сўмдан баҳоланиши кўзда тутилган.

— Ҳозирча қўшма корхонамиз Марказий Осиёда ягона, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Шавкат Хўжаев. —У тўлиқ ишга тушгач, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизни нафақат Ҳамдўстликдаги давлатларга, балки қўшни Афғонистонга ҳам экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, велосипедимизга ички бозоримизда ҳам талаб катта. Жумладан, яқинда республикамизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолисининг унга бўлган эҳтиёжини ўрганганимизда, салкам 3 миллион 500 минг дона велосипедга талаб борлиги аниқланди. Агар буни мамлакатимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бу рақам яна бир неча баравар ортади. Буни яхши англаган Марғилон шаҳридаги "Пахтабанк"и яқинда қўшма корхонамиз имкониятини янада кенгайтиришга яқиндан ёрдам бериш мақсадида 130 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.

Ҳозирча қурилиш-монтаж ишлари қизғин олиб борилаётган мазкур қўшма корхонада дастлаб намуна сифатида 1600 дона велосипед ишлаб чиқариш, кейинчалик эса талаб ва таклифдан келиб чиқиб, унинг миқдорини янада ошириш мўлжалланмоқда.

Демак, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган велосипедларнинг республикамиз шаҳарлари ва қишлоқларининг кўчаларини тўлдириб юришига оз вақт қолди.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қиш ташвишсиз ўтади

Жиззах вилоятининг Кўштол, Жабаш, Хутир сингари тоғли қишлоқлари аҳолиси бу йилги қишни ўтин йиғиш ташвишларисиз қаршилайдиган бўлишди.

Сабаби — тоғли қишлоқларга ҳам газ келди. Айни кунларда Оқбулоқ, Тўқай, Тутак, Дамариқ, Осмонсойга ҳам газ қувурлари уланиш арафасида.

"Жиззахгазтаъминот" шўъба корхонаси директори А. Шукуровнинг таъкидлашича, йил охирига қадар вилоятнинг ўн тўртта қишлоғи «зангори олов» тафтидан баҳраманд бўлади.

Бекзод САТТОРОВ.

Семинар-кенгаш

Конимех туманидаги "Конимех" қорақўлчилик ширкат хўжалиги маркази — Саржал овулида Навоий вилояти қорақўлчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда қорақўлчиликка ихтисослашган туманлар ҳокимлари, тегишли вилоят ташкилотлари раҳбарлари, қорақўлчилик ширкат хўжаликлари раислари, етакчи мутахассислар, фермерлар, "Ўзбекқорақўл" компанияси ҳамда республика қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти вакиллари иштирок этди.

Кенгашда қорақўлчиликда ислоҳотларнинг бориши, бу борадаги муаммолар ва вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди. Вилоят чорвачилик соҳасини ривожлантириш имкониятлари бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди.

Президент Ислом Каримов Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг шу йил май ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бу соҳага алоҳида тўхталиб, чорвадорлар ишига юқори баҳо берган, соҳадаги муаммолар ва вазифалар хусусида фикр билдирган эди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари вилоятда қорақўлчиликнинг бугунги аҳволини сессияда қўйилган вазифалар нуқтаи назаридан таҳлил этди. Чорвачиликда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муайян тажриба мавжуд бўлишига қарамай, қўйларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, зотдор наслларни асраш ва кўпайтириш, наслчиликни илмий асосларда ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Чет эл сармояларини жалб этиб, қорақўл тери ва жунни қайта ишловчи замонавий қўшма корхоналар тармоғини ривожлантириш борасида ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Семинар-кенгашда муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Орол дарди — менинг дардим

дейишмоқда андижонликлар. Вилоят ҳокимлигининг 19 октябрь куни умумхалқ шанбалигини ўтказиш ҳақидаги қарорини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Уни ўтказишдан мақсад Оролбўйи минтақаси аҳолисига ёрдам кўрсатиш, қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ишларини ривожлантиришдан иборатдир.

Шанбалик куни ишлаб топилган маблағ "Оролбўйи оналари ва болаларига" дастурини амалга ошириш, вилоятдаги экологик ҳолатни яхшилашга сарфланади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Шоли мўл бўлади

Сирдарё туманидаги "Шоликор" ширкат хўжалигида шоли ўрим-йиғим ишлари бошланди. Айни кунларда хўжалик далаларида 14 та "Кейс" русумли комбайнлар унум билан ишлатилаётир. Уларнинг ҳар бири кунига 15-20 тоннадан ошириб шоли янчишга эришмоқда. Қисқа вақт оралиғида 700 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ўрим-йиғим ишларида Ш. Тўраев, П. Камолов, Н. Хўжаев сингари комбайнчилар шахсий намуна кўрсатиб меҳнат қилишаётир. Уларнинг мақсади, зиммаларидаги 7468 тонналик хирмонни қисқа фурсатларда бунёд этишдир.





Бугун тикувчилик касбини эгаллашга аҳд қилган навбаҳорлик қизлар учун Германиянинг сўнгги русумдаги тикув машиналарини ишлатиш кундалик юмушдай бўлиб қолди. Негаки, туманда қурилиб, фойдаланишга топширилган 900 ўринли саноат касб-ҳунар коллежининг тикувчилик бўлими асосан шундай машиналар келтирилган. Ёш тикувчи қизлар устозлари Гулноза Абдуллаевадан чеварлик сирсиноатларини ўрганишга ҳаракат қилаяптилар.

СУРАТЛАРДА: мураббия Гулноза Абдуллаева машғулот ўтказмоқда; коллеж биносининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ПАХТАКОРЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари қатори Бухорода ҳам пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Шу боис вилоят дала меҳнаткашлари саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида талай тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига асосан, вилоятимизда ҳозиргача 284 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Тошев. — Уларнинг бевосита аҳоли истиқомат қилувчи жойларда ташкил этилиши шифокорлар ва ҳамширалар йиғим-терим мавсумида пудратчи, механизатор, ҳашарчилар саломатлигидан хабардор бўлиб, зарур пайтда уларга тиббий ёрдам кўрсатиши учун қулай имконият яратмоқда.

Бундан ташқари, бошқармамизда пахтакорларга малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи юқори тоифали врачлардан иборат маслаҳат гуруҳлари тузилган. Шунингдек, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва "Дори-дармон" давлат акционерлик уюшмаси вилоят бўлими ходимлари ҳам тез-тез хўжаликларда бўлиб, зарур ёрдам кўрсатмоқда, керакли дори-дармонларни етказиб бермоқда.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ПОРАХЎР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Қонунларга ҳурмат ва итоат қилишда, аввало, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари намуна кўрсатишлари лозим. Афсуски, ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи вазифа бўлиши ўрнига қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмронлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш ҳолатлар учраб турибди.

Республика Бош прокуратураси айни шундай ҳолларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада махсус тадбирларни давом эттириб, нафс қулига айланган, жамиятдаги ўрни ва мавқеини унутиб қўяётган кимсаларга нисбатан кескин чоралар кўраётир.

— Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани жиноят ишлари бўйича суд раиси лавозимида ишлаб келган Тоҳиржон Чориевнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, 11 минг АҚШ доллари миқдорида пора олганлиги бўйича жиноят ишини якунига етказдик, — деди Бош прокуратура Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси терговчиси Фурқат Сатторов ЎзА мухбирига. — Нафсини тия олмаган Т.Чориев пора эвазига муайян жиноят ишини қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ўрнига пайсалга солган. Қилаётган иши қонунга хилоф эканини била туриб, пора бераётган шахслар манфаатларини кўзлаб, гумондорлардан бирини озодликка чиқариш, қолганларига эса енгиллик бериш мақсадида қасддан қонунбузарликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Т.Чориевни 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Янги аср таълими: изланиш ва натижалар

Коллеж — ўз-ўзини таъминлаш йўлида

Ўғлингиз ёки қизингиз коллежга ўқишга кирди, дейлик. Тушликда у коллежда бепул овқатланса, бундан ташқари, янги, чиройли кийим-бош (талабалар формаси) билан таъминланса, сизга ёқадими-йўқми? Шу ишларни қилаётган коллеж раҳбариятидан миннатдор бўласизми ё йўқми? Қашқадарё вилоят ҳокими Бахтиёр Ҳамидов катта бир йиғилишда Нишон агроиқтисодиёт коллежида ана шундай ишлар қилинаётганлигини мамнуният билан тилга олди. Гапнинг очиғи, ҳоким унча-мунча ишни мақтамайди. Лекин бу тажрибани ажойиб ташаббус сифатида баҳолади.

Хўш, Нишон агроиқтисодиёт коллежи раҳбарияти бунга қандай қилиб эришяпти? Ҳар куни неча юзлаб талабаларни тушликда бепул овқатлантиришнинг ўзи бўладими? Бунга маблағ қаердан олинаётир? Бунинг устига, яна шунча талабага текиндан-текин кийим-бош (форма) тиктириб бериш... Бу ҳам айтишга осон. Хуллас, коллежнинг тилга тушиши бежиз эмас.

— Коллежимизда барча ўқув хоналари ва лабораториялар замон талаблари даражасида жиҳозланган, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Собир Равшанов. — Махсус компьютер хонаси ҳам бор. Кутубхонамизнинг китоб фонди 40 мингдан зиёд. Айни пайтда менежмент, молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунослик фаолияти бўйича ўқувчилар қабул қилганмиз. Ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини бевосита тажриба хўжалигида олиб бориш учун иқтисодиёт, молия ҳисоби, ветеринария жарроҳлиги ва акушерлиги лабораторияларини ҳам ташкил этганмиз.

— Яхши айтдингиз, — дедик унга. — Бизни кўпроқ ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигида амалга оширилаётган ишлар қизиқтиряпти.

Шундай қилиб, коллежни, унинг ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигини бирма-бир кўздан кечирдик. Рости, бу ердаги тартибни, интизомни кўриб, ҳавасимиз келди. Тикув цехи, сартарошхона, пойабзал тикиш устахонаси, ўқув қуроллари дўкони — бари ўз ўрнида.

— Талабалар учун кийим-бош (форма) шу ерда тикилади, — изоҳ беради тикув цехи бошлиғи Асадулла Омонов. — Тикувчилар ҳам талабаларнинг ўзлари.

Шу билан бирга, ўқув-ишлаб чиқариш хўжалиги учун 50 гектар ер ажратилган. Шунинг 20 гектарига «Уманка» навли буғдой экиб, 45 центнердан ҳосил олдик. Унинг 53 тоннасини давлатга сотдик. Шунинг эвазига ҳисобимизга 3 миллион 180 минг сўм пул келиб тушди. Буғдойнинг 17 тоннаси ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар, талабалар учун нон тайёрлашга ажратилди. Бу — 1 миллион 200 минг сўм демакдир.

Буғдой етиштириб, топган жами даромадимиз 5 миллион 980 минг сўм бўлди. Ҳамма харажатимиз қопланиб, 2 миллион 420 минг сўм соф фойда кўрдик.

Шуни айтиш керакки, коллежда ҳамма нарса ҳисоб-китобли, ўз ўрнида. Масалан, буғдойнинг сомони ҳам пулга чақилибди. Шунинг ўзидан коллеж ҳисоб рақамига 180 минг сўм тушибди. Фақат шу эмас. Етиштирилган пиёз уруғининг ортиқчаси сотилиб, 900 минг сўм, озиқ-овқатдан ортган картошка ҳам сотилиб, 400 минг сўм даромад қилинибди. Қовун-тарвуздан 200 минг сўм, помидордан ҳам шунча фойда олинибди. Шу тариқа 4 миллион сўм соф фойда кўрилибди.

— Ана шунинг эвазига коллеж гуруҳидаги ўқувчиларга тушлик овқат бепул қилиб қўйилди, — деб гурунг беради Озод Асадов. — Ўқув-моддий базани кенгайтириш учун 1 миллион 500 минг сўм ажратилди.

Таъкидлаш зарурки, коллежда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш учун жиддий киришилган. Яхшигина тажриба ҳам орттирилган. Бу шуниси билан диққатга сазоворки, ўқувчилар билимларини амалда синаб кўрмоқдалар. Амалиёт машғулотлари муайян ихтисосга мўлжалланган лабораториялар ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигида олиб борилмоқда.

Ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигида иссиқхона ҳам бор. У қишда ҳам ўқувчиларнинг амалий машғулотлар ўтишида қўл келади. Етиштирилган маҳсулот дастурхонга қўйилади. 5 гектар ерда етиштирилган сабзавот ва полиэ маҳсулотлари қишга ғамланади, ортиқчаси сотилади. 2 гектар жойдаги анорзорда ҳам ҳосил мўл.

— Ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигимизда қорамол ва парранда асраш ниятимиз ҳам бор, — мамнуният билан сўзлайди Озод Асадов. — Шундай қилмоқчимизки, ўқувчилар билимларини амалиётда қандай қўллаш зарурлигини тушунсинлар ва малака ҳосил қилсинлар.

Ҳақ гап. Қолаверса, шу тариқа ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мумкин бўлаётир. Ҳозирча тушлик овқат, кийим-бош (форма) текин бўлган бўлса, ҳадемай бундан ҳам бошқа енгилликлар бўлиши аниқ. Бунга коллеж ўқитувчилари ҳам, ўқувчилар ҳам ишонишади. Шунинг учун ҳар бир ишга астойдил киришиб, уддасидан чиқишаётир. Албатта, бу коллеж директори Озод Асадовнинг ташкилотчилиги, тинибтинчимаслиги натижасидир. Ахир «Бюджетдан маблағ ажратилаётган бўлса, оғримаган бошимни оғритиб нима қиламан» дегувчилар озми? Шундайларга Нишон агроиқтисодиёт коллежида амалга оширилаётган ишлар яхшигина кўргазмали дарс бўлар, деган умиддамиз.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ ва
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

КОМПЬЮТЕР ЖИҲОЗЛАРИ ВА ДАСТУР ТАЪМИНОТИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2002 йил 10 ноябрь, соат 17.00 гача.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 75-уй,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги биноси.

Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ ва
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТАСИ

РАДИОАЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2002 йил 11 ноябрь, соат 17.00.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 75-уй,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги биноси.

Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

46-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

47-модда. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати

Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геологик, маркшейдерлик ёки техник хизматлари томонидан амалга оширилади.

Геологик ва маркшейдерлик хизматлари тўғрисидаги намунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

48-модда. Низоларни ҳал қилиш

Кончилик муносабатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

49-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмиталари номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

Телефонлар: 1398074, 1398587,1398291, 1398701, 1398321, 1398550, 1398573

Буклаш чизиғи

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари

2002 йил

Қирқиш чизиғи

Лицензия юридик ёки жисмоний шахсга лицензия беришга ваколатли орган томонидан берилади.

Лицензияларни бериш очиқ «Кимошди» савдолари ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия беришга ваколатли органлар билан тўғридан-тўғри музокаралари натижалари бўйича амалга оширилади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш ҳамда нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан берилади, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган лицензиялар бундан мустасно.

Углеводород конларини аниқлаш ва қидириш ҳамда углеводородларни кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишга лицензияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган беради.

Чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича берилади.

26-модда. Кон ажратмаси

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар барпо этиш учун лицензияга мувофиқ ер қаъри майдони ва чуқурлиги чекланган участкалар кўринишида (бундан буён матнда кон ажратмаси деб юритилади) фойдаланишга берилади.

Кон ажратмаси чегараларида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият ер қаъри кимга берилган бўлса, фақат ўша фойдаланувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Кон ажратмалари Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги томонидан берилади.

Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш учун лицензияга мувофиқ бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланишда кон ажратмаси талаб қилин-

Буклаш чизиғи

майди, углеводородларни тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш бундан мустасно.

Кон ажратмаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Лицензияда белгиланган шартларни ўзгартириш

Кавлаб олинаётган конда фойдали қазилмаларнинг ёки қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг янги турлари борлиги ҳақида лицензия берилган пайтда маълум бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, лицензия берган орган геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш ҳамда унинг натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига фойдали қазилмаларнинг захираларини қайтадан тасдиқлаш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Лицензияни берган орган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларига Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси қарори асосида ўзгартишлар киритиши мумкин.

28-модда. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан ўзга шахснинг фойдасига воз кечиш

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензиянинг эгаси лицензияни берган орган билан келишувга биноан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан (тўла ёки қисман) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахс фойдасига, агар бу шахс лицензияда белгиланган шартларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган бўлса, воз кечиши мумкин.

29-модда. Ер қаъридан хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун портлатиш ишларини қўлламаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда захиралари фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни ҳамда ер ости иншоотларини қуришни лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва ер ости иншоотларини қуриш суд тартибида тақиқланиши мумкин.

30-модда. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

Қирқиш чизиғи

ва қудуқлар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтирилиши керак. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхона ёки унинг бир қисми консервация қилинган тақдирда эса, бутун консервация вақтида коннинг, кон қазишмаларининг ва қудуқларнинг сақланиши ҳам таъминланмоғи лозим. Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона тўлиқ ёки қисман тугатилаётганда кон қазишмаларидан хўжалик мақсадида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш имконияти таъминланиши керак.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари тугатилган ёки консервация қилинган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчилар геологик, маркшейдерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ишлар якунланган пайтдаги ҳолатга кўра тўлдиришлари ҳамда уларни сақлаш учун белгиланган тартибда топширишлари шарт.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш жараёни охирига етказилгунига қадар ер қаъридан фойдаланиш бўйича мажбурият ва жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчининг зиммасида бўлади.

42-модда. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот

Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мулки ҳисобланади. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот мулкдори ундан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотга бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза қилинади.

Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда бир тизимга солиш

Буклаш чизиғи

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари минерал хом ашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишни, ер қаъри, атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг бехатар олиб борилишини таъминлашдан, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар — илмий ва ўқув полигонлари, геологик кўриқхоналар, табиат ёдгорликлари, ғорлар ҳамда илмий, тарихий, маданий, эстетик ва ўзга аҳамиятга молик бошқа ер ости бўшлиқлари;

ер қаъри — ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудини минтақавий геологик жиҳатдан ўрганишни, фойдали қазилма конларини аниқлаш, чамалаш ва қидиришни, улардаги захираларнинг

Қирқиш чизиғи

19-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Ер қаъридан фойдаланиш пулликдир, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

20-модда. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари

Ер қаъри муддатли (муваққат) ва муддатсиз фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланади.

21-модда. Ер қаъридан муддатли фойдаланиш

Ер қаъри участкалари муддатли фойдаланишга:

геологик жиҳатдан ўрганиш учун — беш йилгача муддатга;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун — фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишнинг техник-иқтисодий асосларда белгиланган муддатига;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун — икки йилгача муддатга берилади.

Ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берган органга ер қаъридан фойдаланиш муддати тугашидан камида олти ой олдин юборган аризасига биноан, ер қаъридан фойдаланувчи лицензияда белгиланган шартларни бажарган тақдирда ҳамда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни, шунингдек, фойдали қазилма конини ишлатишни тугаллаш ёхуд фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарурати бўлган тақдирда, узайтирилиши мумкин.

22-модда. Ер қаъридан муддатсиз фойдаланиш

Ер қаъри участкалари муддатсиз фойдаланишга (олдиндан муддатини белгилаб қўймай) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун берилиши мумкин.

23-модда. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши асослари

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи

Буклаш чизиғи

кавлаб олинаётганда қўшилиб чиқадиган, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентларни сақлашлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш чоғида нобудгарчилик нормативларига риоя этилишини таъминлашлари;

конларнинг фойдали қазилмаларга бой участкалари танлаб ишлатилишига йўл қўймасликлари;

асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар захираларининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилмалар белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юритиш учун маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига тақдим этишлари;

кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этишлари;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги ишловчилар (ходимлар) ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашлари;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чоралари кўрилишини, фалокатларни бартараф этиш режалари ишлаб чиқилишини, шунингдек, атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлашлари;

фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишнинг белгиланган тартибига риоя этишлари;

тўкинди уюмларининг ёнбағирларини ва очиқ конларнинг ён чеккаларини режалаш ёки поғоналаш ишлари, шунингдек, эрозияга қарши тадбирлар ўтказилишини таъминлашлари;

ер қаъридан фойдаланишда ишдан чиққан ер участкаларини ва бошқа табиий объектларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

32-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда чекланиши, тўхтатиб турилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ иш-

Қирқиш чизиғи

ни ишларни бехатар олиб бориш зоналари чегараларини аниқлаштирувчи маълумотлар билан ўз вақтида тўлдириб бориш;

кон ҳавосининг ҳолатини, унинг таркибидаги кислород, зарарли ва портлаш хавфи бўлган газлар ҳамда чанглар миқдорини мунтазам назорат қилиб бориш.

Агар ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган бўлса, бундай ишларни олиб бориш тақиқланади.

Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бехатар олиб бориш учун шароитларни таъминлаш масъулияти шу ишларни бевосита амалга оширувчи ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасида бўлади.

38-модда. Кончиликдаги қутқарув қисмлари ҳамда очиқ нефть ва газ фавваларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари

Ер ости кончилик ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга кончиликдаги қутқарув қисмлари, углеводород конларини аниқлаш, қидириш ва ишлатишда бурғилаш ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга эса — очиқ нефть ва газ фавваларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари томонидан хизмат кўрсатилиши керак.

Кончиликдаги қутқарув қисмлари тўғрисидаги, шунингдек, очиқ нефть ва газ фавваларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

39-модда. Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморат қуриш шартлари

Аҳоли пунктлари, саноат объектлари ва бошқа объектларни жойлаштириш учун участкалар танлашда бўлғуси иморат қуриладиган участканинг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг хулосаси керак.

Алоҳида ҳолларда саноат қўламида ўзлаштиришга топширилмаган фойдали қазилма конлари (кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг конлари бундан мустасно) жойлашган майдонларда иморат қуришга, шунингдек, бундай конлар жойлашган ерларда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга, кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари билан келишувга мувофиқ, ер қаъридан фойдали қазилмаларни чиқариб олиш имкониятлари таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда йўл қўйилади.

Буклаш чизиғи

тибга солинади.

Ер қаъридан фойдаланилаётганда юзага келадиган, ердан, сувдан (саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари бундан мустасно), ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Ер ости бойликларига эгалик қилиш

Ер ости бойликлари — умуммиллий бойлик бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

5-модда. Ер ости бойликлари давлат фонди

Ер қаърининг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган участкалари, шунингдек, техноген минерал ҳосилалар ер ости бойликлари давлат фондини ташкил этади.

II. КОНЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

6-модда. Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви

Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

ер ости бойликлари давлат фондини тасарруф этиш;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза қилиш давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

ер қаърини фойдаланишга бериш ва ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш;

Қирқиш чизиғи

ланси

Фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси саноат аҳамиятига молик конлар бўйича ҳар бир турдаги фойдали қазилма захираларининг миқдори, сифати ва ўрганиб чиқилганлик даражаси тўғрисидаги, уларнинг қандай жойлашганлиги, саноат йўсинида қай даражада ўзлаштирилганлиги, қанча қазиб олинаётганлиги, қанча нобуд бўлаётганлиги ҳақидаги ҳамда саноатнинг қидириб топилган фойдали қазилма захиралари билан нечоғли таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши шарт.

Фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан юритилади.

14-модда. Фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизаси

Фойдали қазилма конларининг захиралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейингина конлар саноат йўсинида ўзлаштиришга топширилиши мумкин.

Агар олинган геологик ва бошқа материаллар асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захираларининг миқдор ва сифатини, уларнинг технологик хоссаларини, конни ишга солишнинг кончилик-техник, гидрогеологик, экологик, иқтисодий ва бошқа шароитларини баҳолаш имконини берса, фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш конни геологик ўрганишнинг барча босқичида амалга оширилиши мумкин.

Фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

15-модда. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш

Кавлаб олинган фойдали қазилмалар, шунингдек, саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар захиралари, кавлаб олиш жараёнида йўқотилган, кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёки конни ишга солишда мавжудлиги тасдиқланмаган фойдали қазилма-

Буклаш чизиғи

кетиб тўлиб қолишидан, ёнғиндан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва конларнинг саноат қўламидаги аҳамиятини пасайтирувчи ёки уларни ишга солишни мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан муҳофаза қилиш;

ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилмалар захираларининг, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда кон қазишмалари, қудуқлар ва ер ости иншоотларининг сақланишини таъминлаш;

углеводородларни ва уларни қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган маҳсулотларни, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлашда, чиқиндиларни сақлаш ва кўмишда, оқова сувларни чиқариб ташлашда ер қаъри ифлосланишининг олдини олиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишни белгиланган тартибда ўтказиш.

34-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир асосий талаблар

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг, қидириб топилаётган фойдали қазилмалар конларини, фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шу жумладан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш учун фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкаларини ишга солиш кончилик-техник, гидрогеологик, геологик-иқтисодий ва бошқа шароитларининг тўла-тўкис бўлиши;

асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захираларининг миқдори ва сифатини аниқлаш;

кон устида ётган ҳамда сиғдирувчи жинслардан ишлаб чиқаришда ва ерларни қайта тиклашда фойдаланиш учун ана шу жинсларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, шунингдек, фойдали қазилмаларни радиация-гигиена жиҳатидан баҳолаш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини фойдали қазилмалар асоссиз нобуд бўлишини ва сифати пасайишини истисно этувчи усул ва услубларда олиб бориш;

ер қаъридан чиқариб олинаётган тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларни уларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини истисно этадиган тарзда жойлаштириш учун участкаларни ўрганиш ва танлаш;

фойдали қазилма конларини ишга солишда ва бошқа

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер қаъри тўғрисида олинган геологик ва бошқа ахборотдан, шунингдек, кавлаб олинган минерал хом ашёдан ёки унинг лицензия шартларига кўра ўзининг тасарруфида бўладиган улушидан фойдаланиш;
агар лицензияда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;
лицензияга мувофиқ берилган кон ажратмаси доирасида қўшимча рухсатномасиз ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганилишини амалга ошириш;
ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг айрим турларини бажарувчиларни шартнома асосида жалб этиш;
минерал хом ашёга бўлган талаб-эҳтиёж ўзгарганлиги муносабати билан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ бўлганда, шунингдек, лицензия берилгандагидан анча фарқ қилувчи ҳолатлар юзага келганда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш.
Ер қаъридан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

31-модда. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Ер қаъридан фойдаланувчилар:
ер қаъридан лицензияга мувофиқ фойдаланишлари;
ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни олиб бориш технологияси қоидалари ва нормаларига риоя этишлари;
кончилик ишларини ривожлантиришнинг техник лойиҳалари ва режаларидаги, шунингдек, углеводород конларини ишлатиш ва ободонлаштириш лойиҳаларидаги талабларга риоя этишлари;
фойдали қазилма конларини ишлатиш, ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатларни юритишлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари;
чиқариб олинадиган ва ер қаърида қолдириладиган асосий фойдали қазилма ва у билан биргаликда жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захиралари, шунингдек, минерал хом ашёни ва техноген минерал ҳосилаларни қайта ишлаш маҳсулотлари миқдори ва сифати ҳисобини юритишлари;

14

юзага келишининг асоси ҳисобланади.
Ер қаърини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини бошлаш учун:
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилиши;
давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори ёки ер участкасидан муддатли (муваққат) фойдаланиш шартномаси асос бўлади.
Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир, давлат экологик экспертизаси ўтказилишини талаб қилмайдиган ишларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

24-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия

Тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида геологик жиҳатдан ўрганиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишининг асоси лицензия ҳисобланади.
Лицензия ўз эгасининг муайян чегарадаги ер қаъри участкасидан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини белгилайди.
Ер қаъридан фойдаланишнинг бир йўла бир неча турига лицензиялар берилишига йўл қўйилади.
Лицензия:
лицензия эгаси ҳақидаги маълумотларни;
ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлардан мўлжалланган мақсадни;
фойдаланишга берилаётган ер қаъри участкасининг дастлабки талаб кўрсаткичларини;
тегишли давлат органининг ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун ер участкаси берилишини кафолатловчи қарорини;
ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ва ишларни бошлаш муддатларини;
ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини ўз ичига олган бўлиши лозим.
Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олишда мутлақ ҳуқуққа эга.

25-модда. Лицензияларни бериш

11

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.
2. "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмиталари тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрирининг) маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 август.

2

учун белгиланган шаклда мажбурий тартибда ва бепул топширилади. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тушаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.
Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотни реализация қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

43-модда. Фойдали қазилмалар конларининг кашф этувчилари

Илгари маълум бўлмаган, саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар конини топган, қидириб аниқлаган, шунингдек, илгари маълум бўлган конда унинг саноат аҳамиятини анча оширадиган фойдали қазилмаларнинг қўшимча захиралари ёки янги фойдали қазилмалар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар борлигини аниқлаган шахслар кашф этувчилар деб эътироф этилади.
Фойдали қазилмалар конларининг кашф этувчилари тақдирланиш ҳуқуқига эга.
Фойдали қазилмалар конларининг кашф этувчилари тўғрисидаги ва пул мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

44-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолати

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг фаолиятига давлат органлари аралашувига йўл қўйилмайди.
Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи асоссиз чекланиши, тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши туфайли ер қаъридан фойдаланувчи кўрган зарар, шу жумладан бой берилган фойда қопланиши керак.

45-модда. Етказилган зарарнинг қопланиши

Ер қаъридан фойдаланувчига бошқа шахслар томонидан етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.
Конларнинг фойдали қазилмаларга бой участкалари танлаб ишлатилганлигида, шунингдек, кон ишдан чиқишига ёки ер қаъридан келгусида фойдаланиш имкониятини қисман ёки тўла истисно этадиган шароит яратилишига олиб келган бошқа ҳаракатларда (ҳаракатсизликда) айбдор ер қаъридан фойдаланувчининг фаолияти натижасида давлатга етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчининг маблағлари ҳисобидан қопланиши керак.

23

лар таъсири доирасидаги аҳоли ҳаётига ёки соғлиғига, атроф-муҳитга таҳдид юзага келганда;
агар ер қаъридан фойдаланувчи бир йил мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланишга киришмаган бўлса;
ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар мунтазам равишда тўланмаган тақдирда;
ер қаъридан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузган тақдирда;
ер қаъри участкаларини давлат ёки жамиятнинг бошқа эҳтиёжлари учун олиш зарурати бўлганда;
ушбу Қонуннинг 34, 35, 36 ва 37-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда.
Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:
ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг белгиланган муддати тугаганда;
ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганда;
фойдаланишига ер қаъри участкаси берилган юридик шахс тугатилган ёки якка тадбиркорнинг фаолияти тугатилган тақдирда.
Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

IV. ЕР ҚАЪРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

33-модда. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари

Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:
ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўкис бўлишини, ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишини ҳамда унинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
фойдали қазилмаларнинг ўзбошимчалик билан кавлаб олинишига ва улар жойлашган майдонларда иморат қурилишига йўл қўймаслик;
фойдали қазилмалар захираларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга ошириш;
фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш;
ер қаъридан асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг мумкин қадар тўлиқ чиқариб олинишини таъминлаш;
фойдали қазилма конларини сув босишдан, сув чиқиб

16

лар захираларини фойдали қазилмалар захиралари давлат балансига тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш керак.
Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда мавжудлиги тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
Кавлаб олинган ва кавлаб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларни ер қаъридан фойдаланувчи ҳисобидан чиқариш ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг розилиги билан амалга оширилади.

16-модда. Ер қаъри мониторинги

Ер қаъри мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ер қаъри ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат.
Ер қаъри мониторингини амалга оширишнинг таркиби, мазмуни ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

III. ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

17-модда. Ер қаъридан фойдаланиш турлари

Ер қаъри:
геологик жиҳатдан ўрганиш;
фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;
техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;
фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати (бундан буён матнда углеводородлар деб юритилади), бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш;
алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш;
нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун берилади.

18-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланувчи бўлиши мумкин.

9

миқдори ва сифатини, уларнинг технологик хоссаларини ва иқтисодий аҳамиятини, шунингдек, ер қаърининг бошқа хоссаларини белгилашни ўз ичига оладиган, ер қобиғи геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга доир махсус тадқиқот ишлари мажмуи;
кенг тарқалган фойдали қазилмалар — табиий ҳолича ёки бир оз ишлов бериб ва тозалаб ишлатиладиган фойдали қазилмалар;
минерал хом ашё — қазиб чиқарилган ва дастлабки ишловдан ўтказилган фойдали қазилмалар;
саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари — таркибида эриган ҳолатдаги фойдали қазилмалари бўлган ер ости сувлари ва ер ости туз эритмалари;
тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш — ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, фойдали қазилма конларини саноат йўсинида ишлатишнинг, шунингдек, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишнинг оқилона усуллари ва услубларини танлаш мақсадида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;
техноген минерал ҳосилалар — кончилик ва қайта ишлаш соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг таркибида фойдаланиш учун яроқли фойдали компонентлари бўлган чиқиндилари;
фойдали компонент — фойдали қазилманинг саноат йўсинида ишлатиш мақсадида қазиб олиш технологик жиҳатдан мумкин ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми;
фойдали қазилма кони — ер қаърининг миқдори ва сифати жиҳатидан ишга солиш объекти бўлиши мумкин бўлган фойдали қазилмалари бор участкаси;
фойдали қазилмалар — ер қаъридаги келиб чиқиши ноорганик ва органик бўлган қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолидаги табиий минерал ҳосилалар, шу жумладан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари, шўр кўлларнинг туз эритмалари ва рапалари;
фойдали қазилмаларни кавлаб олиш — фойдали қазилмаларни ер қаъридан юзага чиқариб олиш билан боғлиқ ишлар мажмуи.

3-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.
Қорақалпоғистон Республикасида ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тар-

4

40-модда. Алоҳида илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик ер қаъри участкаларини муҳофаза қилиш

Алоҳида илмий, тарихий, маданий, эстетик ва ўзга аҳамиятга молик ноёб табиий ёки сунъий геологик жинслар, минералогик ҳосилалар, палеонтологик, археологик объектлар ҳамда бошқа ер қаъри участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар деб эълон қилиниши мумкин.
Ер қаъридан фойдаланилаётганда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектлар топилиб қолса, ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаърининг тегишли участкасидаги ишларни тўхтатиб туришлари ҳамда бу ҳақда лицензия берган органни ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилишлари шарт.

41-модда. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилиш

Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуйидаги ҳолларда тугатилиши ёки консервация қилиниши лозим:
ер қаъридан фойдаланиш муддати тугаганда;
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилганда;
фойдали қазилмаларнинг саноат аҳамиятига молик захиралари ёки чиқариб олинаётган углеводородлар захиралари тўлиқ ишлатиб бўлинганда;
кон қазишмаларини, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини сув босиши ёки уларнинг вайрон бўлиши хавфи пайдо бўлиб, бунинг олдини олишнинг техникавий жиҳатдан иложи бўлмаганда ёки бундай қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаганда;
фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда.
Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш белгиланган тартибда тасдиқланган техник (технологик) лойиҳага мувофиқ амалга оширилади.
Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхонани ёки унинг бир қисмини, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатишда ёки консервация қилишда кон қазишмалари

21

мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган, қидирув ишлари олиб борилган кон қазишмаларининг ва бурғиланган қудуқларнинг сақланишини таъминлаш, шунингдек, фойдаланилмайдиган кон қазишмаларини ва қудуқларни белгиланган тартибда йўқ қилиш;
ер қаърини келгусида ўрганишда, фойдали қазилма конларини ишга солишда, шунингдек, ер қаъридан фойдали қазилмалар кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишда қўлланилиши мумкин бўлган геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатлар, тоғ жинслари ва рудаларнинг намуналари, керн, фойдали қазилма намуна нусхалари сақланишини таъминлаш.

35-модда. Фойдали қазилма конларини ишлатишга ва минерал хом ашёни қайта ишлашга доир асосий талаблар

Фойдали қазилма конларини ишлатиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш белгиланган тартибда тасдиқланган кончилик ишларини ривожлантириш лойиҳалари ва режаларига, углеводород конларини ишга солиш ва ободонлаштириш лойиҳаларига, ер қаъридан техникавий фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.
Фойдали қазилма конларини ишлатишда қуйидагилар таъминланиши керак:
фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг оқилона, экологик хавфсиз технологиялари қўлланилиши;
ишга солинаётган фойдали қазилма конлари ва уларнинг ёнидаги фойдали қазилма конлари ҳамда ер қаъри бошқа участкаларининг кончилик ишлари олиб бориш натижасида бузилишига йўл қўйилмаслиги, ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилма захираларининг сақланиши;
конларнинг поғоналари ва чекка томонлари мустаҳкамлиги, тоғ жинсларининг силжиш жараёнлари, ер юзаси, бинолар, иншоотларнинг чўкиши (оғиши) махсус асбоблар билан кузатиб турилиши.
Минерал хом ашёни қайта ишлашда қуйидагилар таъминланиши керак:
фойдали компонентлар оқилона, комплекс чиқариб олинишини таъминлайдиган қайта ишлаш технологик схемаларига риоя этилиши;
қайта ишлашнинг турли босқичларида фойдали компонентлар тақсимоти ва уларни минерал хом ашёдан ажратиб олиш даражаси ҳисобга олиниши ва назорат қилиб борилиши;
минерал хом ашёнинг технологик хоссалари ва таркиби ўрганилиши, уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш мақсадида тажриба-технология синовлари ўтка-

18

тларни барпо этиш учун, шунингдек, нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилиши лозим.
Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисобини юритиш ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

11-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби юритилиши

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби юритилиши лозим.
Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

12-модда. Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри

Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри ҳар бир кон бўйича асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар захираларининг миқдор ва сифатини, конни ишга солишнинг кончилик-техник, технологик, гидрогеологик ва бошқа шартларини ҳамда коннинг геологик-иқтисодий баҳоланишини тавсифловчи маълумотларни, шунингдек, ҳар бир фойдали қазилма белгисига оид маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.
Техноген минерал ҳосилалар бўйича кадастр ҳар бир тўплаб қўйилаётган объект бўйича техноген минерал ҳосилаларнинг типи ёки турини, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда уларни сақлашнинг кончилик-техник шартларини тавсифловчи маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.
Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан юритилади.

13-модда. Фойдали қазилмалар захиралари давлат ба-

7

фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини ва ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилишини ташкил қилиш;
фойдали қазилмаларнинг қидириб топилган захиралари тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар захиралари давлат балансини, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юритилиши тартибини белгилаш;
кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини белгилаш;
ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:
ўзига қарашли ҳудудда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза қилиш давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;
кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаб олинаётганда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиб олиш;
ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

9-модда. Ер қаъридан фойдаланишни чеклаш

Агар аҳоли пунктлари, шаҳар атрофи минтақалари, саноат, транспорт ва алоқа объектлари ҳудудларида ер қаъридан фойдаланиш аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши, атроф-муҳитга зарар етказиши эҳтимоли бўлса, бундай фойдаланиш чекланиши мумкин.
Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ер қаъридан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Фойдаланишга берилган ер қаъри участкалари давлат ҳисобининг юритилиши ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объек-

6

зилиши;
қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган маҳсулотлар ва чиқиндилардан, шунингдек, оқова сувлардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланилиши;
вақтинча фойдаланилмаётган маҳсулотлар ва таркибида фойдали компонентлари бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари жойлаштирилиши, ҳисобга олиниши ва сақланиши.

36-модда. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланишдаги асосий талаблар

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланиш белгиланган тартибда тасдиқланган техникавий лойиҳаларга мувофиқ амалга оширилади.
Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланишда чиқиндилар ва оқова сувлар зарарсизлантирилиши ёки белгиланган чегара доирасидан четга чиқмаслиги таъминланиши, шунингдек, уларнинг кон қазишмаларига, ер юзасига, атмосфера ҳавосига ва сув объектларига кириб боришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши керак.

37-модда. Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини таъминлашнинг асосий талаблари

Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини таъминлашнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:
ишларни бажаришни махсус тайёргарлиги ва малакаси бўлган шахсларга, кончилик ишларига раҳбарлик қилишни эса — тегишли махсус маълумоти бўлган шахсларга ижозат этиш;
кончилик, бурғилаш ишларида ва бошқа ишларда банд бўлган шахсларни махсус кийим-бош, шахсий ва умумий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
хавфсизлик қоидалари талабларига, санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда экологик нормативларга мос келадиган машиналар, асбоб-ускуна ва материалларни қўллаш;
портловчи моддалар ва портлатиш воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва сарфлаш қоидаларига риоя этиш;
ишларнинг бир маромдаги технологик тизимини таъминлаш ва хавфли вазиятларни прогноз қилиш учун зарур бўлган геологик, маркшейдерлик ишлари, бошқа ишлар ҳамда кузатишлар мажмуини ўтказиш, аварияларни бартараф этишнинг техникавий ҳужжатлари ва режалари-

19

«Халқ сўзи» — «Народное слово» • МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси • Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ